

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна**

*Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари  
доктори*

*“Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги  
Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик.”*

**Шавкат Ширзиёев**

**Аннотация:** *Мақолада янгиланган Конституцияда ташқи сиёсатнинг ўзаро  
тинчликсеварлик ва ҳамкорлик тамойилига таяниб, Ўзбекистоннинг бугунги  
ташқи сиёсати, хусусан, яхши қўшничилик ва прагматик минтақавий сиёсати  
давлатнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва  
улкан имкониятларга эга ҳамкорлик макони сифатида масалалар таҳлил этилган.  
Марказий Осиё халқларининг сиёсий қарашларида давлатчилик тарихи ҳамда  
илмий меросини таҳлил этилган. Муаллиф томонидан Марказий Осиё ҳақидаги  
маълумотлар, тарихий манбалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шарқ  
олимларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларинининг мантиқий давоми сифатида  
ҳозирги Ўзбекистоннинг қўничилик ва ташқи сиёсатидаги амалий ислоҳотлар  
қиёсий таҳлил этилган. Ва янги илмий таклифлардан ҳуқуқий давлат, фуқаролик  
жамияти шаклланишида кенг фойдаланиш тавсия этилган.*

**Калит сўзлар:** *Марказий Осиё, ҳудуд, халқ, илмий мерос, манба, тадқиқот*

## АКТУАЛЬНОСТЬ И ВАЖНОСТЬ НАУЧНОГО АНАЛИЗА ПОЛИТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна**

*профессор Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук*

*“Мы ставим перед собой вопрос создания нового имиджа нашего общества,  
создания нового Узбекистана как стратегическую задачу”.*

**Шавкат Ширзиёев**

**Аннотация:** *Основанная на принципе взаимного мира и сотрудничества  
внешней политики в обновленной конституции, сегодняшняя внешняя политика  
Узбекистана, в частности, добрососедство и прагматичная региональная*

*политика, не только повышают международный престиж государства, но и анализируют проблемы как пространство сотрудничества Центральной Азии со стабильными и огромными возможностями. В политических взглядах народов Центральной Азии анализируется история государственности и ее научное наследие. Автор приводит сведения о Центральной Азии, сведения об исторических источниках. Как логическое продолжение политико-правовых учений восточных ученых, был проведен сравнительный анализ практических реформ в земельной и внешней политике современного Узбекистана. И было рекомендовано широко использовать новые научные предложения при формировании правового государства, гражданского общества.*

**Ключевые слова:** *Центральная Азия, территория, народ, научное наследие, источник, исследование*

## THE RELEVANCE AND IMPORTANCE OF SCIENTIFIC ANALYSIS OF THE POLITICAL VIEWS OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA

**Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna**

*Professor of Tashkent State Law University, Doctor of Law*

**Annotation:** *Based on the principle of mutual peace and cooperation of foreign policy in the updated constitution, Uzbekistan's current foreign policy, in particular, good neighborliness and pragmatic regional policy, not only enhance the international prestige of the state, but also analyze problems as a space of cooperation in Central Asia with stable and huge opportunities. The political views of the peoples of Central Asia analyze the history of statehood and its scientific heritage. The author provides information about Central Asia, information about historical sources. As a logical continuation of the political and legal teachings of Eastern scientists, a comparative analysis of practical reforms in the land and foreign policy of modern Uzbekistan was carried out. And it was recommended that new scientific proposals be widely used in the formation of the rule of law and civil society.*

**Keywords:** *Central Asia, territory, people, scientific heritage, source, research*

### КИРИШ

Мамлакатимизда 2024 йил ҳам кириб келди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида ўзаро қўшничилик, тинчликсевар сиёсатни амалга оширмақдаки, бу ғоя Марказий Осиё халқларининг сиёсий қарашларида муҳим ўрин тутган бўлиб, мазкур мавзуни тадқиқ этиш ҳам долзарб, ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидладики: “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли

ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улўғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади”,-деган таъкидлари айна ҳақиқатдир. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантирмоқда. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш йўлга қўйилди. Қўшниларимиз билан чегаралар очилди, узоқ йиллар давомида бир-бирини кўра олмаган қон-қариндошлар яна учрашди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқ ва маърузаларида ҳам Ўзбекистондаги янги Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳияти, тарихий илдизлари, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларини таҳлил этиш барча соҳадаги олимларнинг илмий ишларининг асосини ташкил этиш керак. Бунга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт -2030 стратегияси” ва “2024 йил –Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да янада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам, мазкур мақолада Янгиланган Конституциямизда белгиланган дунёвий, ҳуқуқий, ижтимоий ва демократик давлат тамойилларини таҳлил этиш ҳамда буюк алломаларнинг илмий меросига таяниб ўрганишни мақсад қилдик. Бошқача айтганда, давлатчиликни ривожлантиришнинг ҳозирги ва келгуси босқичига мўлжалланган сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш юриспруденциянинг, қолаверса, юридик фаннинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Табиийки, ушбу концепциянинг муҳим таркибий қисмини Ўзбекистонда узоқ йиллар давомида шаклланган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ташкил этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё халқлари ва давлатчилик тарихи ҳақидаги фикр ва таклифлари даврлар оша тадқиқотчилар ҳамда сиёсатчиларнинг, давлат арбобларининг диққат-эътиборини тортиб келган. Ҳозирги даврдаги барча илмий-оммабоп адабиётларда ва оммабоп маълумотномаларда “Марказий Осиё” атамаси кенг қўлланилмоқда. Бу атама сиёсий-географик тушунча бўлиб, бугунги кунда минтақага Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Республикалари киради. Ушбу салоҳиятли минтақа ҳудуди турли даврларда “Турон”, “Туркистон”, “Мовароуннаҳр”, “Ўрта Осиё” ва ниҳоят “Марказий Осиё” номлари билан аталиб келинган. Албатта бугунги кунда бу минтақалар ҳудудий жиҳатдан фарқ қилади. Марказий Осиё қадимдан бошлаб, жаҳоннинг энг йирик тарих ва маънавий-маданий меросга эга бўлган йирик ҳудуд сифатида ўрганилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маълумки, азалдан Буюк ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлларида жойлашган Марказий Осиё геостратегик ўрнашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги муҳим жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнеснинг минтақамиз Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Марказий Осиё қадимги тарихини “Турон тарихи”

сифатида ёритишга интилиб, 3 минг йил аввал “Турон цивилизацияси” пайдо бўлганлиги ҳақида масалани илгари суришган. Шунини таъкидлаш жоизки, минтақа тарихига оид илк ёзма манбаларда (“Авесто”, қадимги форс битиклари, юнон муаллифларининг асарлари) “Турон” атамаси тарихийгеографик ҳудуд, мамлакат ва давлат каби маъноларида тилга олинмаган. “Авесто”да “тур”, “тура” дашт чорвадор қабилалари қайд этилган. Бироқ, улар жойлашган ҳудудларнинг маркази “Қангха” деб аталган. Аслида “Турон” номининг келиб чиқиши илк кўринишлари милодий V – VI аср бошлари билан белгиланади. Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври Эронда, зардуштийлар қоҳинлари, оғзаки ва ёзма шаклларда сақланиб келган Уларнинг кўлами тўғрисида умумий тасаввур уйғотувчи библиографик тадқиқотлар фикримизга далил бўла олади. Эътиборли жиҳати илк ёзма манба “Авесто”да ҳам жамоа, оила, қабила ва ҳатто давлат бирлашмасининг бошқарув тартиби ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар қайд этилган. Ҳатто бу ҳудудларда яшаган қабила ва кейинчалик давлат бирлашмаларининг бугунги Марказий Осиё халқлари ташкил этиши мавзунинг долзарблигини ошради. Мазкур давлат ва уни бошқаришга оид сиёсий таълимотлар шарқ мутафаккирлари томонидан ривож топганки, Абу Наср Форобийга “Шарқнинг Арастуси” номи бежиз берилмаган. Жумладан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Халликон, Байҳақий, Абу-л-Фараж, Сарахсий, Бурҳонуддин Марғиноний, Давоний, Кошифий хорижий Ғарб мамлакатларида ижод қилган: К.Брокельман, Э. Браун, К.Э.Босворт, Г.Гибб, И. Гольдциер, Г.фон Грюнебаум, А. Мец, Ф.Роузентал, ҳамда Шарқ араб олимларидан Аҳмад Мубарак ал-Бағдодий, шарқшунослардан В.В.Бартольд, А.М.Баҳовуддинов, Е.Э. Бертельс, С.Н.Григорян, Б.Ғ.Гофуров, М.Д.Диноршоев, А.М.Жоҳид, А.Х. Қосимжонов, А.В.Сагадеев, С.Сатибекова, Л.Р.Сюкияйнен, А.Б. Холидов, Г.Б. Шаймуҳамбетова, хусусан, Ўзбекистон олимларидан И.Мўминов, А.А.Семенов, С.П.Толстов, М.М.Хайруллаев, Т.Н.Қориниёзов, А.Якубовскийларнинг илмий ишлари киради.

Тадқиқот объекти: Марказий Осиё халқларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ илмий фаолиятлари саналади.

Тадқиқотнинг предмети: Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси ва асарларининг таҳлили ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ўз ҳудуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси диалектик, тарихий-ҳуқуқий, тизимли, таркибий-функционал, қиёсий-ҳуқуқий ва бошқа методлардан фойдаланилди.

## МУНОЗАРА

Илк маданий алоқалар натижасида турли хўжалик соҳаларидаги ютуқлар, технологик янгиликлар ҳам босқичма-босқич тарқалиб, бу жараён цивилизациянинг бирламчи ва иккиламчи марказларининг пайдо бўлишига олиб келган асосий омиллардан бири бўлганини Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари мисолида кўриш мумкин. Марказий Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлардаги маданий алоқалари тарихининг илк, қадимги ва ўрта асрлар даври босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Тадқиқотчилар илк босқич энг қадимги даврдан бошлаб мил. авв. I минг йиллик бошларигача, қадимги давр босқичи аҳамонийлар даврдан илк ўрта асрларгача давом этганини, ўрта асрлар босқичи эса илк ва ривожланган ўрта асрлар, Амир Темур ва темурийлар даври ҳамда сўнгги ўрта асрлар даврига бўлинишини қайд этадилар. Хусусан, мил. авв. I минг йиллик бошларида минтақамизда шаклланган Марғиёна, Суғдиёна, Бақтрия ва Хоразм шарқ цивилизациясининг илғор ютуқлари юксак ривожланган Ўрта Осиё маданияти марказлари ҳисобланган. га айланишди. мил. авв. VI-IV асрларда Хоразм, Суғд, Бақтрия ва Марғиёна маданияти маҳаллий анъаналарга асосланганлигини ва бу вилоятлар моддий маданияти Эрон аҳамонийлари маданиятидан тубдан фарқ қилганлигини кўриш мумкин. Мил. авв. II аср сўнгги чорагидан, яъни Буюк ипак йўли тармоқларининг шаклланишидан бошлаб, Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар мантиқий давоми сифатида ҳар томонламан Ўрақнинг юксалиш даврига асос бўлган. Марказий Осиё халқларининг мусиқа ва рақс санъати қадим асосларга эга бўлиб, бу ҳақда мусиқа асбобларининг сопол, суюк ва бошқалардан ишланган нусхалари, айрим бадий безаклар ва деворий тасвирлардаги маълумотлар ва мусиқа илмига бағишланган махсус рисолалар далолат беради. Ҳатто қомусий олим Абу Наср Форобийнинг “Мусиқага оид” асарида ҳам мазкур масалалар таҳлил этилган. «Марказий Осиё» атамаси дастлаб, юкорида таъкидланганидек немис географ олими А. фон Гумбольднинг Парижда 1843 йилда чоп этилган 3 жилдлик «Марказий Осиё, Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимни таққослаш» номли асарида қўлланган. Унда тадқиқотчи мазкур ҳудуднинг суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни мустақил ва ўзига хос минтақа сифатида таърифлаган. “Марказий Осиё” атамаси бугунги кунда барча илмий-оммабоп адабиётларда ва жамоатчилик ўртасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Кўриниб турибдики, инсоният цивилизацияси бешикларидан ҳисобланган азим Сирдарё ва Амударё оралиғидаги бепоён ҳудудлар турли даврларда сиёсий, тарихий ва географик асарларда Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўрта Осиё, Марказий Осиё номлари билан аталиб келинган. Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда Марказий Осиё ва қўшни ҳудудларда олиб борилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар бу минтақа Қадимий Шарқ цивилизациясининг шаклланишида ва ривожланишида ўзига хос салоҳиятли ўрин тутганлигини исботлади.

Дарҳақиқат, машҳур тарихчи ва файласуф Ибн Халдуннинг фикрича, “Тарих бу шундай илмлар сирасига кирадики, уни халқлар ва қабилалар бир-биридан ўрганиб,

тарқатишга ҳаракат қиладилар, уни оддий фуқародан тортиб, тўжжорларгача қизиқиб ўқийдилар, уни эгаллашда ҳукмдорлар ва саркардалар беллашадилар, уни тушунишда олимлар ва жоҳиллар тенглашишга ҳаракат қиладилар. Тарих бу тадқиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамики нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниқлаш, ҳодисалар моҳиятини ўрганишдир. Шунингдек, Ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг илм-фаннинг аниқ, табиий, гуманитар соҳалари ва ислом илмлари бўйича яратган асарлари тадқиқини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда уларни асл матн ва илмий изоҳли таржима шаклида нашр этиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида урғу берилган. Агар эътибор берсак, таълим-тарбия масаласи Шарқ халқларида доим муҳим вазифа сифатида қаралганки, буюк алломаларимиз Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Кайковус, Низомумулк, Амир Темур ва маърифатпарвар жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг мазмунини ташкил этган. Балки, шу боис ҳам, юртимиздан қомусий олимлар етишиб чиққан ва ўз даврида "Шарқ уйғониш даври"га асос солишгандир. Жумладан, Абу Али Ибн Синонинг ёзишича, Ахлоқий равноқ инсон зотиғагина хос жараён дир, чунки у ақл тафаккурнинг буюк қувватига таянган ҳолда ҳақиқат билан ёлғоннинг чегарасини аниқлабгина қолмасдан, дўстини душмандан ажрата олади. Нарсалар ички моҳият-мазмунини кашф этиш учун ақлий-интеллектуал етуклик зарур бўлса, ахлоқий равноқ учун эса бунинг ўзи етарли эмас, билим билан пок хулқ-атвор, саъи-ҳаракатларнинг ўзаро уйғунлиги инсонни донишмандлик, комиллик даражасига элтади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки «гўзаллик ва ахлоқий камолотга интилиш инсон зотиға хос хусусият дир».

Абу Али Ибн Синонинг асарларида жумладан, "Тадбири манзил" рисоласида инсон табиати туғилганда ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмади, деган ғоя муҳим аҳамият касб этади. Одамлар аслида яхши хулқ, тайёр шахсий сифат, одат ва кўникмалар билан туғилмайдилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ота-оналари, аждодлар анъаналар, таълим-тарбия таъсирида шакллана боради. Болаларнинг тарбиясини барвақт бошлаган маъқул.. Тарбия жараёнида болаларга яхши ижобий одатларни сингдириб бориш, иштиёқ ва қизиқишларини синчковлик билан пайқаб олишга ҳаракат қилиш, ҳаётда нафи тегадиган муайян касб хунар ва санъатни эгаллашга йўналтириш зарур". "Боланинг тана бўғинлари барқарорлашган, унинг тили тўғри-равон гапириш ва қўлоқлари тинглаш қобилиятиға эға бўлган ва ўзгалар сўзларини қабул қилиш ҳамда ўрганилаётган нарсаға (табиий) мойиллик пайдо бўлган пайтдан бошлаб уни илмлар ва ахлоқ-одоб (асослари)ға ўргатиб бориши лозим", деб таъкидлаган. Абу Али Ибн Сино инсонпарвар, маърифатпарвар олим сифатида инсон ахлоқий равнақининг чексиз имкониятларини эътироф қилади. Лекин унинг руёбға чиқиши шахс ва жамиятнинг имкониятлари билан боғлиқ дир. Абу Али Ибн Сино тарбияни ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, нафосат, тарбияси нутқий баркамолликнинг мажмуаси

деб билади, бола тарбиясига алоҳида диққат қилади, У ўзининг «Тиб қонуни» асарида боланинг соғлиғини сақлашнинг асосий омили жисмоний машқ эканлигини айтади. Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни етарли бажариш, айниқса, нутқий нафас олиш, овозни йўқотмаслик, ёмон ҳулқли бўлмаслик зарур деб билади: «Агар ёмон ҳулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради», «Ҳулқнинг мўътадиллиги натижасида нафс ҳам, бадан ҳам соғлом бўлади», «Шунинг учун салбий ҳислатларни тузатиш лозим, бунинг учун болани ҳар томонлама ўрганиш, жисмоний машқларга кенг ўрин бериш,-» зарур деб билади.

Унинг фикрича, «Тарбиядан мақсад- боланинг ақлий ва жисмоний қувватини оширишдир». Ибн Сино «Тадбири манзил» асарида болаларнинг мактабда гуруҳ бўлиб, биргаликда ўқишини маъқуллайди, бунинг уларда ўқишга қизиқиш уйғотиши, фанни эгаллашга ёрдам беришини таъкидлайди: «Гуруҳ бўлиб ўқитиш жамиятга катта фойда келтиради», "Ўзаро суҳбатда ўқувчилар бир-бирига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар, бахшлашадилар, бир-бирларини ҳурмат қиладилар, дўстлашадилар"... «Яхши одобларни қабул қиладилар. Ибн Сино, айниқса, оилада бола тарбиясига эътибор беради: „Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан тўғри фойдаланилса, оила бахтли бўлади“. „Сиз гаплашганда, фикрлашувда хайрихоҳлик талабларига риоя қилган ҳолда иш кўрсангиз, йўлдан адашмайсиз, тўсиқларга дуч келмайсиз“-, деб таълим-тарбия усуллари тавсия этади.

Зеро, тарбия шундай бир мураккаб жараёнки, уни оддий сўзлар, тушунтиришлар билан изоҳлаб бўлмайди. Тарбия, унинг кўринишлари, ёш авлодларда шаклланиши мумкин бўлган хусусиятларни кундалик оғир, машақатли меҳнат орқали юзага келишини унутмаслигимиз даркор.

Бу ҳақда "Муаллим ус-соний" унвони билан машҳур бўлган қомусий олим Абу Наср Форобий ўзининг бир неча асарларида алоҳида тўталган. Жумладан, Форобий Сирдарё бўйидаги Ўтрор шаҳрида 873 йилда туғилиб, Боғдод шаҳрида яшаган. У «Ақл ҳақида рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби асарларида мазкур масалалар хусусида тўталган. Шу учун ҳам Форобийнинг ихтимоий-сиёсий қарашлари ўз даври учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Форобийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш 2 хил усулда олиб борилади. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий ҳислатларни – билимли бўлишга, тўғрилиқни, ҳақиқатни севишга, жасур дўстларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интиломи лозим. Бундай инсоний фазилатларга эга бўлиш учун бахт-саодатга элтувчи жамоа бўлиши керак.

Форобий таълим ва тарбияни бир-биридан фарқ қилади. Таълим сўз билан, ўрганиш билан амалга оширилади, тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-ҳунар, обод орқали сингдирилади.

Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга якка ҳолда ёндашувни, унинг табиий, руҳий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлайди. У бу ҳақда шундай ёзади: «Бу борада табиий хислатларини, уларни, уларни олий камолотга етказиш шу ёки камолотга яқин бўлган даражага кўтариш хизмат қилувчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир. Инсонлар турли илм, ҳунар фаолиятга мойиллиги ва қобилиятлиги билан табиатан фарқ қиладилар. Тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси билан тафовут қилади.

Тарбияси жиҳатдан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-бирларидан фарқ қиладилар».

Форобий инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишда муҳим аҳамият касб этувчи тафаккур ва нуқтнинг ривожланишини таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди.

Форобий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсоннинг хоҳиш, ихтиёр, ифода, яхшилик ва ёмонлик каби хислатларини, нимага қобилиятии борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижа бермайди.

Демак, тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, 2 турли бўлади:

«Аввалги усул – санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатадиган усул. Иккинчи усул эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларнинг тарбиялаш учун ишлатадиган усул. Болалар устида турган одам эса, муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади».

Форобий ўз давридаги ёшларни таълим, билим, ҳунар эгаллашлари, фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлиги ҳусусида фикрлар билдирганки, бу фикрлар ҳозир ҳам таълим-тарбияда ғоят муҳимдир. Шу боис, тарихий ёзма манбаларнинг йиллар, асрлар ўтсада, заррача қадри тушмайди. Чунончи, бой манбаларимиздан бири сифатида Алишер Навоий асарларига мурожаат этсак, унда мутафаккирнинг илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатларидан деб қараганининг гувоҳи бўламиз. Навоий илмни инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқарувчи омил сифатида таърифлайди. Шунга кўра ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг, инсоний бурчи, деб ҳисоблайди. Чунки илм эгаллашдан мақсад ҳам халқининг, ўз мамлакатининг бахт-саодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат этишдан иборатдир, деб таъкидлайди.

Алишер Навоий ҳаётда ўз илмига амал қилиш, ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, у “Маҳбуб ул-қулуб” асарида илм ўқиб уни ишлатмаган киши, шудгор қилиб деҳқончилик қилмаганга ёки уруф сочиб ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди:

Илм ўқиб қилмағон амал мақбул,

Дона сочиб кўтармади маҳсул<sup>1</sup>.



Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у олим у фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий эттиришга эътибор беради. Масалан, Алишер Навоий ўзининг “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очиб, ўз вақфидан маблағ ажратган. Мадрасада таълим олаётган ҳар бир талабадан илмда қаттиқ интизомга риоя қилиш талаб этилган. Шунингдек, у илм-фанни мустақил ҳолда ўрганиш, етук илм соҳибларидан дарс олишга ҳам ундайди.

Алишер Навоий билимларни тинмай узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Бундай ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш муҳимлигини, қунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик билан иш кўриш, уни охиригача етказиш, чидам ва сабот билан ўрганишни таъкидлайди. Демак, буюк аллома илм олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини ҳам белгилаб беради: яъни Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, ҳунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда илм олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимлар, мударрислар ҳамда устоз-мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаассиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли, ўқитиш йўллари билладиган муаллим бўлиши зарур, дейди. Масалан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини. “Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблашга рағбатланган. Уларни калтаклашга ўрганган ўзи раҳмсиз, мияси пўлат ва кўнгли тошдир. Ҳазабли қоши чимирилган, гуноҳсизларга аччиқланишга одатлангандир. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиқлиги ва таъма касаллиги ошкор ва ўзлари ақл камлигига гирифтор. Аммо ёш болалар табиатидаги қайсарликни қийналиб ром қилувчи ва кичкиналарнинг олазарак ҳаракатини дўқ билан тартибга солувчидир. Агарчи қилиқларининг қўполлиги намоёндыр, аммо ўзлари ёш болалар келишмаганликларини силлиқлаштиришга йирик эговдыр”, - деб қоралаш билан бирга, ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, мураббийлик ҳаққини холисона баҳолайди. “Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин”.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек Марказий Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, Марказий Осиё ижтимоий қарашлари ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир. У 1394 йил 22 мартда Шохрух Мирзо оиласида туғилган. «Зижи Кўрагоний» деб аталувчи астрономия жадвалини ташкил этган. Самарқандда астрономия мактабини вужудга келтирган олим.

Мирзо Улуғбек, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди, фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашга

ишонди. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларнинг аҳамиятини, бу билимларидан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларини такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур ҳунарларни эгаллаб олишлари лозим. Шу боис, Улуғбек билимларни нафақат китоблардан балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади.

Улуғбек ёш авлоднинг эрки ва ҳар томонлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, мударрисларни етукликка, фаол билимдон ва савияли инсонларни тарбиялашга ундади.

Мирзо Улуғбекнинг катта хизмати яна шундаки, у бевосита ўз қарашлари билан ҳам одамларни илмли ва маърифатли бўлишга даъват этган. Ўзининг фалсафа тарихи, астрономия, математика, география, адабиёт фанларига оид кўп жилдлик асарларида ўз даври учун муҳим бўлган илғор фикрларни илгари сурган ҳамда одамларни ўзаро дўст ва биродар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, тинчликсевар ва адолатпарвар бўлишга тарғиб этган мутафаккирдир.

Маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний 1879 йили 12 июлида Тошкентда Мерганга маҳалласида дунёга келган. У «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» дарслигини яратган. Авлоний 1925 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвонига, 1930 йили «Ўзбекистон халқ қаҳрамони маорифи зарбдори» деган фахрий номга сазовор бўлган.

Авлонийнинг фикрича, ахлоқ - бу хулқлар мажмуидир. Хулқ, эса кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Авлонийнинг таъкидлашича, ахлоқ тарбияси хусусий иш эмас. Бу тарбия ижтисоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Демак, тарбия бола туғилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади. Авлоний ўз қарашларида дўстлик ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор беради. Авлоний тарбияни кенг маънода тушунади, уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У боланинг соғлиги ҳақида қайғуради. Унинг таъкидлашича, баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё халқларининг сиёсий қарашларини таҳлил этар эканмиз, ёзма манбаларимизда ўзаро ҳамкорлик, инсонпарварлик, тинчлик ва қўшничиликка оид кўплаб таклиф ва маълумотлар борлиги ҳам бебаҳо маънавий бойлигимиздир.

### **ХУЛОСА**

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлагандики: “Ўзбекистон ташқи сиёсатда Марказий Осиё – бош устувор йшналиш тамойилини бажармоқда . Ўзбекистон раҳбари 2023 йил 17-20 сентябрь кунлари “С5+1” форматида илк марта ўтказилган “Марказий Осиё – АҚШ” саммити доирасида Жо Байден билан учрашди. Шунингдек,

БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг глобал масалалардаги позициясини баён қилди. Шавкат Мирзиёев ташриф давомида БМТ, Европа иттифоқи, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Америкадаги зиёли ватандошлар билан мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратаётгани таҳсинга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати Марказий Осиё минтақасида фаол интеграция сиёсатини юритиб келмоқда. Узоқни ўйлаб амалга оширилган сиёсатнинг муҳим хусусиятлари ва афзалликлари ҳозирдан билинмоқда. Жумладан: биринчиси, минтақавий интеграция жуда фойдали ва зарур имконият; иккинчиси, Марказий Осиё давлатларига минтақалараро меҳнат тақсимотидан қўшимча даромад олиш имконини беради, бу жараён эса миллий маҳсулотларини ўтказиш бозорини кенгайтириб, рақобатбардош ишлаб чиқариш корхоналари ўсишига замин ҳозирлайди. Учинчиси, бундай илиқ интеграция давлатларимизни хорижий инвесторлар учун янада жозибадор қилиб қўяди. Марказий Осиёнинг беш давлатида яшовчи 70 миллион аҳоли ва 300 миллиард долларлик ЯИМ мажмуи чет элликларда жозибадорлик касб этиши мумкин. Қайд этиш жоизки, Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, халқ фаровонлигига, иккинчидан, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириб, хорижий шерик давлатлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида шаклланган ва янада мустаҳкамланиб бораётган янги муҳит мазкур мақсадларга эришишга ҳамда ўзароро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиндики, мазкур йилда Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга янада алоҳида аҳамият қаратилиши ҳам мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Зеро бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд тарихий обидалар, қадамжолар барчамизнинг ғуруримиз. Улар бизга аجدодлардан қолган буюк мерос. Уларни асраб, авайлаб келажак авлодларга бус-бутун етказиш барчамиз учун муҳим вазифадир. Ҳар биримиз юртимиздаги тарихий обидаларнинг тарихини билишимиз ва ўз фарзандларимизга ўргатишимиз эса, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Конституцияси.2023. <https://lex.uz/docs>
2. “Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби”, 27 август 2020 й., <https://uza.uz/uz/posts/zamonaviy-dunyeda-zbekiston-tash-i-siyesatining-kun-tartibi-27-08-2020>
3. “Центральная Азия – приоритет внешней политики Узбекистана”, 15 июль 2020 й., <https://www.uzdaily.uz/ru/post/53513>

4. Агзамходжаева, Мухитдинова,. Идеи и учения к концепции духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения в Узбекистане. 2019. Журнал. Евразийский союз ученых № 4-8 (61).
5. Mukhitdinova. ISSUES OF STUDYING THE PROBLEM OF PROTECTING. Critical Reviews. 2020. 709. ISSN 2394-5125 Journal of Critical Review, Tower 23/4, Jalan ampang, Kuala Lumpur, Malaysia
6. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998. – Б.278
7. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 46.
8. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий – маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. –Тошкент: Университет, 2020. – Б.162-163.
9. Аль Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Философские трактаты. – Алма Ата: Наука, 1970. – С. 193–378.
10. Аль Фараби Абу Наср Мухаммед. Историко- философские трактаты./ Пер.с араб. – Алма-Ата: Наука, 1985. – С. 623.
9. Doniyorbek, N. (2023). BOLALAR UCHUN ZAMONAVIY SUV MUOLAJALARI MAJMUASINI YARATISH. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN, 523-527.
10. Qo'ziyevich, E. I., & Elmuradovna, J. E. (2023). Qadimgi qarshi shahri arxiologik yodgorliklari arxitekturasini ilmiy tahlili. Arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(2), 58-61.
11. Qo'ziyevich, E. I., & Elmuradovna, J. E. (2023). The scheme of territorial placement of agglomeration commercial and household complexes in Uzbekistan. Arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(2), 62-67.
12. Maxmatqulov, I. T. (2022). Scientific analysis of the Erkurgan historical and archeological complex in Karshi district of Kashkadarya region. Journal of Architectural Design, 4, 27-31.
13. Elmuradovna, J. E., & Qo'ziyevich, E. I. (2023). BUXORO ARKINING ARXITEKTURAVIY SHAKLLANISHI. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI, 2(2), 75-78.